

ФАЛАКИЁТ ИЛМИНИНГ МУТАФАККИРИ.

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходими
М.Давранова.*

Беруний (973-1048) Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Ғазна ҳозирги Афғонистонда туғилган, улуғ ўзбек мутаффакир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан бири бўлган. Беруний ўз замонасининг ҳамма фанларини, биринчи навбатда фалакиёт, илоҳиёт, маъданшунослик фанларини пухта эгаллаган. Бу фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси билан унинг номи дунё фанининг буюк сиймолари қаторидан жой олди. Унинг насл-насабида “берун” сўзи ташқи шахар”, “Беруний” эса “ташқи шахарда яшовчи киши” маъносини билдиради. Беруний ёшлигида машҳур олим Абу Наср ибн-Ироқ Мансур қўлида таълим олади. Ибн Ироқ фалакиёт ва ризиётга оид бир қанча асарлар ёзади ва шулардан 12 тасини Берунийга бағишлайди. Беруний ҳам устозининг исмини ҳамма вақт зўр ҳурмат билан тилга олади. Беруний фаннинг деярли ҳамма соҳаси билан шуғулланади. Шарқнинг бой фани ва маданиятини пухта ўрганиб инсон илми билан чуқур танишди. Беруний шоир, адабиётшунос ҳам эди. Она тилидан ташқари араб, суҳдий, форс, юнон ва қадимий яҳудий тилларини эгаллади. Кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганди. Ўз илмий асарларидан бирида ёзишча, Беруний Хоразмда яшаган даврида 990 йилдан Кот шаҳрида муҳим астраномик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астраномик асбоблар ихтиро қилган. Мамлакатда тахт учун бошланган курашлар олимнинг бу илмий ишларини давом эттиришга имкон бермади. Беруний 22 ёшида Ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. У қадимий Рай шаҳрига (ҳозирги Техрон яқинида) боради. Райда анча оғир ҳаёт кечиради, моддий қийинчиликларга дучор бўлади. Олим 998 йилдан кейин Журжонга келади ва бу ерда иккинчи устози табиб, фалакиётшунос ва файласуф Али Саҳл Исо ал-Масихий билан танишиб, ундан таълим олади. Ўша вақтда Каспий олди вилоятларида зиёлилар сулоласи (928-1042) ҳукумронлик қилинган. Бу сулоланинг вакили Қобус ибн Вашмгир (1012 йилда ўлдирилган) ёш олимни ўз ҳимоясига олади. Ёқут Ҳамавийнинг ёзишча Қобус ибн Вашмгир Берунийга вазирлик лавозимини таклиф қилган, лекин олим бунга розилик бермаган. Беруний “Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия” (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) асарини Журжонда мухожирлик даврида ёза бошлаган. Беруний уни ёзиш учун турли халқлар тарихи, маданияти ва тилларини ўрганган. Беруний 1005 йилларда Хоразмга қайтади ва уни янги ҳукумдор Али Аббос Маъмун 11 уни саройга яқинлаштиради. Ўша даврда Урганчда Хоразмшоҳ саройида кўп машҳур олимлар тўпланиб, фаннинг турли соҳаларида илмий

ишлар олиб борардилар. “Маъмун академияси” деб номланадиган бу анжуманнинг фаолиятида Беруний муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга, у шох Маъмун I нинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида мамлакат сиёсий ишларида ҳам фаол қатнашди.

Жойларнинг географик кенлиги ва узоқлигини аниқлашда Беруний эришган натижалар ҳатто ҳозирги замон олимларини ҳам ҳайратга солади. Берунийнинг ўша вақтда унча маълум бўлмаган шимолий ўлкалар Болтиқ ва оқ денгиз ҳақидаги маълумотлари, Сибирнинг бизда ёз бўлганда у ерда киш бўладиган жойлари ҳақидаги хабарлари айниқса қизиқарли Беруний Хитой ва Тибетга туташ ўлкаларни ҳам ўзидан олдинги олимларга нисбатан тўла ва аниқ тасвирланган. Птолемейга қарама – қарши Атлантика ва Ҳинд океанларининг жанубий томони бир-бирига туташганлигини исботлаб берган. У Осиё ва Африка қитъалари орасида бир вақтлар бўғоз бўлган. Ер шарининг жанубий томони куриқлик бўлган деб тахмин қилади. Беруний қолдирган ноёб маълумотлар шарқ географик адабиётида муҳим роль ўйнаган. Тарихда Америка қитъасини 1492 йилнинг октябр ойида денгиз сайёҳи Христафор Колумб кашф этганлиги қайд қилинган. Аммо бу орада Берунийнинг илмий фарази мавжудлиги ҳам маълум. Олим ўзининг “Ҳиндистон” асарида ер юзасининг тузилиши, денгиз ва қуруқлик тўғрисида ёзиб қолдирган. Туркистоннинг баъзи жойлари жумладан Амударё водийсининг геологик ривожланишини биринчи марта моддий ўрганишга ҳаракат қилган ҳам Беруний бўлган. Унинг Амударё водийсининг геологик ўтмиши ва Орол денгизининг пайдо бўлиши ҳақидаги хулосалар ўша замоннинг муваффақиятли геологик таҳлилларидан ҳисобланади. Берунийнинг “Қадимги қалъалардан қолган ёдгорликлар”, “Хоразмнинг машҳур кишилари”, “Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охириги чегараларини аниқлаш”, “Мунажжимлик санъатидан бошланғич тушунчалар”, “Ҳиндистон”, “Маъсуд қонуни” каби асарлари маънавий меросимизга катта ҳисса бўлиб қўшилган. Беруний фаннинг ҳамма соҳаларида самарали ижод қилган эди. Унинг илмий мероси жуда кенг ва ранг-баранг. Унинг илмий иш соҳасидаги зўр қобилияти унинг кўпчилик замондошлари ва кейинги олимлар томонидан эътироф этилади.

Беруний 1035-1036 йилларда ўз илмий ишларининг руйхатини тузади. Бунда шу вақтгача ёзилган китоб ва рисоалари 113 тага етгани кўрсатилган. Кейинги ёзган асарини ҳам қўшсак, у қолдирган илмий мерос 152 та китоб ва рисоладан иборат. Берунийнинг бой илмий мероси Ўзбекистон ва ундан ташқарида ўрганилмоқда. Унинг асарлари лотин, француз, италян, немис, инглиз, форс, турк тилларига таржима қилинмоқда. Дунёда биринчи марта Ўзбекистонда топилган минералга Беруний номи қўйилган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Икки жилдлик. Биринчи китоб. –Т.: «Санъат» нашриёти, 165-б.
2. Azamat Ziyο. O`zbek davlatchiligi tarixi. T., “Sharq”, 2000, 800-b
3. Vaxitov M.M., Mirzayev Sh.R. Me`morchilik. I qism. Me`morchilik tarixi. –Т.: “Tafakkur” nashriyoti. 2010. 229-b.
4. История Узбекистана. Т. III, Т., «Фан», 1993, 412 стр.
5. Karimov Sh. O`zbekiston tarixi va madaniyati T. “O`qituvchi” 1992, 119-bet.
6. Karimov Sh. O`zbekiston tarixi va madaniyati T. “O`qituvchi” 1992, 119-b
7. Karimov Sh. Ubaydullayev O`. Vatan tarixi. T. “Sharq” 2010 132-b
8. Po`latov X. Shaharsozlik tarixi. – Т.: 2008. 213-b.
9. Shamsiddinov R., Karimov Sh., Ubaydullayev O`. Vatan tarixi T. “Sharq” 2010. 132-b
10. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, инв. №954, 314-варақ.
11. O`zbekiston milliy ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent. 2005. 615-bet.